

ИНСОН ОНГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ МУРАККАБ ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК ЖАРАЁНДИР



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14517828>

Бобомуродов Эркин Ҳайтovich

ТерДУ профессори, фалсафа фанлари доктори.

Жовлиев Жўрабек Алишер ўғли

ТерДПИ ўқитувчиси.

Аннотация: Ушбу мақолада инсон онгнинг шаклланиши мураккаб ижтимоий-психологик жараён бўлиб, шу жараёнга асосланган муҳим воситаларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланишини ўз ичига олади.

Калим сўзлар: Инсон, онг, ижтимоий-психологик, жараён, ёшлар, жамият, давлат.

Бироқ онгни тадқиқ қилишнинг дастлабки нуқтаси фаолиятга ташқи ва ичкининг бирлиги сифатида қарашдан иборат бўлиб, бу жараёнда ижтимоий онг филогенезининг айрим томонларидан мавҳумлашиш тўғри бўларди.

Хулқ-автор шаклларидан фаолият шаклларига ўтишда амалга ошириладиган интериоризация уни психикага механик равишда қўчириш эмаслигини таъкидлаш зарур, чунки психик жараёнлар фаолиятнинг қарор топиши давомида янги хоссаларни қасб этади. Уни фаолликнинг ташқи ва ички жиҳатининг бирлиги сифатида тасаввур этилса, ўзаро боғланган актларнинг қўйидаги занжири юзага келади: фаолият мақсадини (исталган натижани) қўйиши - фаолиятнинг объектив тузилмасини ташкил қилиш — фаолиятни амалга ошириши (иш-ҳаракат) - натижага. Кўлга киритилган ва исталган натижаларни қиёслаб, фаолиятни амалга оширишни ташкил қилиш жараённига тузатиш киритамиз.

Хусусий фанларда, шу жумладан, психологияда ҳам инсон фаолиятининг ушбу фанлар предмети сифатида воқеъ буладиган ўзига хос шакллари таҳлил қилинар экан, фаолият «соф» ҳолда кўриб чиқилмайди: улар фаолиятнинг конкрет шакллари таҳлилидан келиб чиқади. Фаолиятни инсон томонидан амалга ошириладиган жараённинг умумий шакли сифатида тадқиқ қилишга фалсафий тафаккур асосида эришилади.

Шундай бошланғич нуктага асосланган ёшлар психологиясига фаолиятли ёндашув унинг психик инъикос шакли, бинобарин, психик фаолияти тарзидаги табиатини чукурроқ тушунишгагина эмас, балки унинг ривожланишининг ички қонуниятларини, динамикасини кузатишга ҳам имкон беради. Психик инъикос

билинг субъект фаолиятининг уни ўраб турган предметли воқеликдаги ўзаро алоқаси, ўзаро боғлиқлигини ўрганиш акс этувчининг психик инъикосга ўтиши айнан фаолият жараёнида содир бўлишини кўрсатди; субъектни объектив воқеълик билан амалда боғловчи фаолиятда, шу билан бирга, психик инъикос акс этувчи билан солиширилари ва унинг кўпроқ даражада монанд бўлишини таъминловчи коррекция (тузатиш) киритилади.

Буларнинг бари психик инъикосни субъектнинг предметли воқелик билан алоқасини амалга оширувчи фаолият тақозо қилганлигини кўрсатади.

Харакатдаги шахсни тушуниш унинг бутун ҳаётий йўли давомида ривожланиш мантигини ҳамда ижтимоий йўналганлигини очиб бериш, унинг онг ва фаолиятининг турли шакллардаги салоҳиятининг қарор топиши ва рўёбга чиқарилишини аниқлаш, унда барқарор шакллар ҳамда янгидан вужудга келганларининг диалектик бирлашувини акс эттириш, ҳар бир ҳаётий босқичнинг кейинги даврга таъсири даражасини аниқлаш дегани ҳамdir^[1].

Шахсни бутун ҳаётий цикли билан бирликда ўрганишнинг жуда кенг қамровли дастури мазмунан шундай. Унинг замирида тарихий ва индивидуал-биографик вақтнинг ижтимоий ўзаро боғлиқлиги ғояси ётади. Бу шахснинг, шу жумладан, ёшларнинг ҳаёт йўли жамият ривожланишининг муайян босқичига хос бўлган тарихий воқеалар, ижтимоий ютуқларни, шунингдек, қийинчилик ҳамда муаммоларни муқаррар акс эттиради, демакдир. Шахс психологияси табиатан ижтимоий ривожланиш маҳсули бўлиб, кишининг професионал фаолияти характеристери билан кўп даражада белгиланади.

Жамоа, шу жумладан, ёшлар жамоасидаги умумийлик ушбу жамоа фаолият соҳаси билан боғлиқ эҳтиёжлар ва манфаатларни, касбий билим, нормалар, хис-ҳаяжон, хис-туйғу, анъаналарни ташкил қиласди. Саноат ва қишлоқ ҳўжалиги ҳодимларининг, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси ҳодимларининг, фан ва санъат, таълим ва тиббиёт ва ҳ.к. ҳодимларининг, шунингдек, қурувчилар, муҳандислар, агрономлар, шифокорлар, ўқитувчилар ва бошқаларнинг психологияси ўзаро фарқланади. Бу соҳа ва касблар ҳодимлари психологияси ушбу соҳа ёки касб доирасида иш олиб борадиган барча жамоалар психологияси учун умумий ҳисобланади.^[2]

Шу боис ҳам тарихни шахсга қарама-қарши қўйиш ёки ундан ажратиш эмас, балки уларнинг диалектик бирлиги ижтимоий психологияни, хусусан ёшлар психологиясини таҳлил қилишнинг методологик жихатдан мухим принципи ҳисобланади.

Хозирги фанда тарихий-генетик ёндашувдан асосан инсонни филогенезда, бир ижтимоий-ихтисодий тузумдан бошқасига ўтишда тарихий ўзгаришлар ва шахс типи ўзгариши жараёнида тавсифлашда фойдаланилади.

Бундай тахлил тарихнинг шахсга таъсирининг асосий жиҳатларини ҳамда ижтимоий характерлар типологиясининг ижтимоий ва иқтисодий шароитга боғлиқлигини аниқлаш имконини беради.^[3]

Афсуски, тарих ва шахснинг онтогенездаги, унинг тарих ичидаги индивидуал-биографик вақтнинг реал параметларидаги ўзаро муносабатлари характеристи тўғрисидаги тасавурларимиз кам. Бундай ёндашувда шахс ривожланишида вақт омили сифатида намоён бўлувчи ёш кўрсаткичи алоҳида роль ўйнайди.

Кишиларнинг ёши, алоҳида фазаларнинг узунлиги генетик белгиланган узгармас нарса эмас - уларда ҳам биопсихологик ҳам ижтимоий қонуниятлар намоён бўлади. Шунинг учун кишининг ёшига нейтрал омил, яшаб ўтилган умр кўрсаткичи сифатида қараб бўлмайди. У шахснинг ривожланиш жараёни динамикасини тадқиқ қилишда ҳам муҳим ахамият касб этади. Ижтимоий хусусиятлар, эҳтёжлар ва манфаатлар, мақсадлар ва ҳаётний режалар, фаолият натижалари ҳамда истиқбол ҳар бир аввалги ёш босқичида тайёрланади, ҳаётнинг маълум бир даврида авж олади ва намоён бўлади ҳамда келажакка назарни ўзида ифодалайди. Шунинг учун шахсни, шу жумладан, ёшларни бутун ҳаётий цикл билан бирликда ўрганиш лозим.

Адабиётлар:

1. Туленов Ж. Т. Диалектик назарияси. — Т.: «Узбекистан», 2001. 230—242-бетлар.
2. Яблокова Е.А. Субъекты общественной психологии // Теоретическая и природная социальная психология. — М.: Мысль, 1988. — С. 111.
3. Мировоззренческое воспитание личности. — Т.: ТГПИ им. Низами, 1991; Яхъяева Л.С Демократия и личность. — Т.: «Узбекистан», 1990.
4. Ideological work, youth depression, civil society, high spirituality, national ideology reform. Erkin Babamuratov TerSU Professor, Doctor of Philosophy Dzhuraeva Ulmashon TerSU teacher Zhovliev Zhurabek. TerSPI teacher. World Bulletin of Social Sciences (WBSS) Available Online at: <https://www.scholarexpress.net>.
5. Бобомуродов Э. Идеологическая профилактика – фактор идеологической защиты молодежи. – Т.: Издательство национального общества философов Узбекистана, 2022. 154-с.
6. Бобомуродов Э. Идеологическая профилактика – фактор идеологической защиты молодежи. – Т.: Издательство национального общества философов Узбекистана, 2022. 154-с.

7. Bobomurodov E. “Innovative features of the concept of continuing spiritual education”. American Journal of social sciences and humanity research. (ISSN – 2771-2141). Impact FACTOR (2021:5.993.) (2022:6.015). 2022 yil.
8. Bobomurodov E. Ideological prevention for the growing generation is an ideological factor of protection of the modern youth of Uzbekistan. American Journal of social sciences and humanity research. (ISSN – 2690-9626). Vol.3, No/2022
9. Бобомуродов Э. Жовлиев Ж. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида учинчи ренессанс шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий асослари. “Ижтимоий фанлар” илмий, ижтимоий ва тарихий журнал. Карши 2023.